

9-30-2020

SPECIFIC ASPECTS OF RAUF PARFI'S POETRY

Nu'mon Karimjonovich Rahimjonov
Gulistan State University, rahimjonov_masrur@mail.ru

Obidahon Kholbekovna Fayzullaeva
Gulistan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Rahimjonov, Nu'mon Karimjonovich and Fayzullaeva, Obidahon Kholbekovna (2020) "SPECIFIC ASPECTS OF RAUF PARFI'S POETRY," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 27.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss3/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Filologiya

УДК: 811.512.133-1

SPECIFIC ASPECTS OF RAUF PARFI'S POETRY

РАУФ ПАРФИ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҚИРРАЛАРИ

ОСОБЫЕ АСПЕКТЫ ПОЭЗИИ РАУФА ПАРФИ

Раҳимжонов Нўмон Каримжонович, Файзуллаева Обидахон Холбековна
Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4-мавзе.

Email: rahimjonov_masrur@mail.ru

Abstract. The article discusses specific aspects of Rauf Parfi's poetry. Thoughts that the poet broke the stereotypes and stereotypes of artistic thinking in the 50s and 60s of the twentieth century, and perfected this philosophical and aesthetic experience in the early twentieth century, served as a special assessment of the poet. The idea that the poet is a poet who has made a great contribution to the development of this content by expanding the artistic interpretations of the issues of independence, national freedom, individual freedom, ideas and concepts about Goodness, Justice, Beauty in the sense of universal values is also substantiated in this article. In particular, the artistic-aesthetic, socio-philosophical significance of the artist's works is not determined by the author's nationality or the culture of the East, the West, the East and the West. the idea that the need to understand how far he can discover remains the main criterion of the world of fiction today determines the basic theoretical value of the article. The main content of the article is that this described process, of course, is also a high assessment of the poet's views on the fact that the poet is a product of a new worldview and worldly taste.

The idea that Rauf Parfi and his generation were not children of the Soviet era, but children of universal culture, formed the concluding part of the article.

Keywords: word artist, socio-philosophical views, freedom of person and nation, literary consciousness, socio-aesthetic ideal, symbolic images, symbolic and figurative lyricism, free, sonnet, octave, six, quartet, a two-line poem, oxymoron, etc.

Аннотация. В статье рассматриваются конкретные аспекты поэзии Рауфа Парфи. Мысли о том, что поэт сломал стереотипы и стереотипы художественного мышления в 50–60-е годы XX века и усовершенствовал этот философский и эстетический опыт в начале XX века, послужили особой оценкой поэта. Идея о том, что поэт является поэтом, который внес большой вклад в развитие этого содержания, расширив художественную интерпретацию вопросов независимости, национальной свободы, индивидуальной свободы, идей и концепций о добродетели, справедливости, красоте в смысле общечеловеческих ценностей, также обосновывается в этой статье. В частности, художественно-эстетическое, социально-философское значение произведений художника не определяется национальностью автора или культурой Востока и Запада. Идея о том, что необходимость понять, как далеко он может открыть, остается главным критерием современного художественного мира, определяет основную теоретическую ценность статьи. Основное содержание статьи состоит в том, что этот описанный процесс, конечно, также является высокой оценкой взглядов поэта на тот факт, что поэт является продуктом нового мировоззрения и мирового вкуса.

Идея о том, что Рауф Парфи и его поколение были не детьми советской эпохи, а детьми универсальной культуры, составила заключительную часть статьи.

Ключевые слова: художник слова, социально-философские взгляды, свобода человека и нации, литературное сознание, социально-эстетический идеал, символические образы, символический и образный лиризм, верлибр, сонет, октава, стих из шести строк, квартет, двухстрочное стихотворение, оксюморон и др.

Кириш. XX аср ўзбек адабиётининг ёркин намояндаларидан Рауф Парфи Сир шоири, унвони сохир шеърият соҳибидир. Бизнинг билимларимиз бу шеъриятнинг зоҳирий қисминигина ёритиши

мумкин, чунки уни тизимларга айириб, аниқ қолипларга жойлаб бўлмайди. Бу жўн ўқувчи учун содда, билимдон ўқувчи учун – қудратли аъмол бўла билади.

Рауф Парфи шеърнинг чинакам захматкаши бўлган. Шеърга шунчалар кўп ва хўп сайкал берганки, бу меҳнатга кўп йиллик умрини сарф этганлигини ўзи ҳам пайқамаган, аниқроғи, аҳамият бермаган. Шеърни юксак дидига жавоб берадиган ҳолатга етказгунча қайта-қайта назардан ўтказаверган. Бу қадар оламгир захмат Рауф Парфи учун чой ичиб нон ейишдек оддий, одатий, кундалик юмушдек бир эҳтиёжга, заруратга айланган. Хусусан, “Карвон йўли”. Биринчи китоб рукнида берилаётган 31 шеърнинг ўнтаси “Карвон йўли”га киритилмаган, шоир дафтарларида қолиб кетган ва лекин, кейинчалик йиллар давомида қайта-қайта кўнгил чиғириғидан ўтказилган асарлардир. Улар хронологик жойлашиш тартибигагина эмас, муҳими, шоирнинг бадиий эстетик тафаккуридаги эврилишлар табиатини ёритишига кўра ҳам нуфузли. Ана шу машаққатли меҳнат самарасини тадқиқ этиб, уларнинг бадиий-эстетик қиймати билан бугунги шеърхонни таништириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқотнинг объекти сифатида Рауф Парфининг барча шеърини тўпламлари, муаллифнинг шахсий архивидаги шоир ижодига доир манбалар, асосан, 2013 йил нашр этилган “Сакина” номли сайланмаси олинди. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал, комплекс ва функционал таҳлил усулларида фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Рауф Парфи шеърининг асосий мавзуси – бу шахс эрки, Ватан мустақиллиги ва Туркистон, Турк дунёсининг бирлигидир; XX аср турк одамнинг абадий шуурини, кескин фожеҳ руҳиятини муқаддас туркий тилда ифодалашга жазм этган ва муродига етган жасоратли шеърятдир.

Рауф Парфи шеърини ва шахсиятига турли муҳаббатли-беписанд қарашлар бўлса-да, аммо, мана салкам эллик йилдирки, ўқувчиларнинг унга қизиқиши, мароқланиши ҳеч қачон сўнмади. Унинг ижодиётига Асқад Мухтор, Шукрулло, Миразиз Аъзам, Мирзо Кенжабек, Чори Аваз каби шоирлар юксак баҳо бердилар. У ҳақда Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуров, Иброҳим Ҳаққул, Ботирхон Акрамов, Улуғбек Ҳамдам каби таниқли олимлар тадқиқотлар, мақолалар, бадиалар ёздилар.

Хорижда Воқиф Самадўғли (Озарбайжон), Атнер Хузангай (Чувашистон), Улдис Берзинш (Латвия), Лия Сеппель (Эстония), Ҳусайн Ўзбай (Туркия), Эдвард Уольерс (АҚШ), Темур Хўжа (Олмония), Омондурди Аннадурди (Туркменистон), Рене Каланди (Гуржистон), Жак Манэ (Франция), Виктор Соснора (Русия) каби машҳур шоир ва олимлар у ҳақида мақолалар ёздилар. Унинг шеърларини она тилларига таржима қилдилар.

Ўзбек шоирлари томонидан унга бағишланган шеърларнинг ўзи бир китоб бўлади... Рауф Парфи ўзбек адабиётида мутлақо ўзига хос мактаб яратган шоир. У ўзбек туркларининг юксак миллий руҳиятини ўз шеърини орқали таниш ва танитиш учун олис йўлга чиққан, ҳормай-толмай бораётган Йўл Аҳлидандир.

Замондошлар буюн уни Туроннинг, Турк Дунёсининг, Улуғ Туркистоннинг порлоқ шоири, деб тан олмақдалар.

Фасллар алмашиниши табиатнинг ўзгармас қонуниятининг табиий жараёни, ҳосиласи. Бадиий адабиётда ҳам нуруний авлодлар ўрнига навқирон насларнинг кириб келиши маънавий-интеллектуал эҳтиёж, руҳоний зарурат тақозосидир. Бу – бадиий-эстетик тафаккурда ҳамиша янги дид ва эстетик савияларнинг зоҳир бўлиши демакдир. “Бу – табиат ва жамият ҳодисаларини, одам ва олам сир-синоатларини янгача тушуниш, янги образлар ва бадиий воситалар билан тушунтириш санъати, демакдир” [4].

Шеърятда шоирнинг бировдан яширадиган махфий нарсаси йўқ. Фақат шеърнинг сир-асрори бўлади. Бу – бадииятга айланган қисмат. Тақдирнинг олов кўзларини кўнглига жойлаган шеър. Рауф Парфи илк шеърлариданоқ дунёқарашини, руҳониятини, маънавий эътиқоди шаклланиган ижодкор сифатида ўзлигини намоён қилди. «Ҳасратлари дунёнинг кўпдир», «Мудрар ярим кеча...», «Шеърят», «Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар», «Тарғилланиб бормоқда осмон», «Термуламан олис уфққа», «Чексиз-чексиз дақиқалардан иборатдир» сингари ўнлаб шеърларида ижтимоий-эстетик идеалининг ёруғ аломатларини кузатиш мумкин. «Бир кушча сайрайди менинг руҳимда, Мен сенинг исмингни билмайман кушчам...», дейди шоир «Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал» шеъринида.

XX асрнинг 60-йил ўрталари, 70-йил бошлари шеърятга кириб келган, ёркин ўзлигини намоён этган Рауф Парфи янги, охори тўқилмаган, қутилмаган ноанъанавий мажозий (Кушча, Чирок, Дарахт, Най, Нур) образлари билан адабий жамоатчилик муҳаббатини қозонди; мажозий образлилик асосига қурилган бадиий тафаккур табиати билан эл-юрт назарига тушди. Рауф Парфи шеърларидаги инсонга меҳр-муҳаббат ҳарорати, ишонч-этибор руҳи, дардчил-маънос ва маҳзун оҳанг, кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган самимийлик кўзга суртгудек эъзоз-эҳтиром топди. Ва янаям муҳими, шоир асарларининг ижтимоий-фалсафий маъзи шеърятимизда янги йўналиш эди. Хусусан, биринчидан, ҳаётдан, тирикликдан мақсад руҳни камол топдиришдир. Иккинчидан, руҳоний эркинликсиз бани одам ўзлигини намоён қила билмайди; учинчидан, миллий бирликсиз миллат, халқ ўз борлигини сақлаб қола олмайди, деган устувор ғоялар шоир шеърятининг эстетик қимматини белгилаб берди. «Айни орзуларда, айни кайғуларда, айни севинчларда яшамок» тирикликнинг моҳиятидир, деб билади у.

Рауф Парфининг илк шеърларидан этиборан эрк истаги ва озодлик руҳи, жамиятдаги зулмга, ижтимоий адолатсизликка, тенгсизликка, ноҳақликка қарши исён ғоялари етакчилик қилади. Шоирнинг 70-йиллар бошида куртак ёзган, уч кўрсатган руҳ эркинлиги, фикр эркинлиги, қалб ҳурлиги ғоялари кейинги босқич шеърятимиз тараққиётида миллатсеварлик, миллатпарварлик йўналишининг ўзак маъзини ташкил этди. Рауф Парфи ижодининг ижтимоий-эстетик моҳиятини, салафларидан, устозларидан, тенгқур шоирлардан фаркланиб турган бадииятининг табиатини белгилаб берди. Чирок, қуёш рамзли образлар зиммасига шоир чуқур маънолар юклайди. Хусусан, зимистон тун оғушида бўзариб ёнган чирок хонани, атроф-теварагини шунчаки ёритиб қўя қолмаяпти. У куйиниб, ёзгириб, ёниб куйлаяпти. Чирокнинг ёниши – лирик қаҳрамоннинг севимли орзуси. У одамларнинг дилидаги армонларини, ғамларини, тилининг учида ёнган дардларини сўйлаяпти. Шунинг учун ҳам «Чирок ёнар – сўнги йўқ ҳасрат».

Чирокни тинглангиз, одамлар,
Қаршисида эгиб турунг бош,
Сизни куйлар у тонгга қадар,
То навбатни олгунча қуёш.

Чирокни тинглангиз, одамлар [9].

Рамзли образларга юкланган мазмунни ўқиш унчалик қийин эмас. Тун – мустамлака зулматига чўмган жамият, чирок – одамлар онги-тафакқурига фикр ёруғлигини элтишга тутинган шоир. Чирок – фақат сўйлаётгани йўқ. У, яна ҳасратга ботиб куйлаяпти. Демак, одамлар кўнглини янги туйғулар, кечинмалар билан бойитади, поклайди. «Тонг отмоқда, тонг ўқлар отар, тонг отмоқда, қуёш замбарак», сатрлари бевосита 60-йиллардан жамиятда сиёсий вазият ҳийла юмшатишга, одамларга этибор ортганига, шахс эрки учун отланган курашчан Сўз маънавий ҳаётда тонг янглиғ, Офтоб янглиғ мақомга эриша бошлаганига бир ишорадир. Янги образлар воситасида аёнлашаётган маъно терадлиги ва фикрий қудратдир.

Рауф Парфининг илк шеърларида кузатилганидек, бадиий идрок ва ифода тарзи, тафаккур табиати ва тимсолли образлари билан ўзига хос бетакрор услубга эга бўлган шоир кўз очган, ўз нуқтаи назари билан дунё шевалярини таний бошлаган, ўзлигини ҳам дунёга танитишга тутинган шахс эди. Бу – Рауф Парфи феномени эди.

Инсоннинг руҳоний эркинлиги масаласи Рауф Парфи ижодининг ўзак маъзини ташкил этади. Шу боисдан ҳам шоир лирикасида туйғулар ҳаётини, кечинмалар манзарасини ҳолат-кайфиятлар суратини чизиш алоҳида тамойилга айланган. Шу боисдан ҳам уни туйғу-кечинмалар мусаввири дейишади. Шу маънода биргина «Ёмғир эмас, марварид ёғар» сатри билан бошланадиган шеърини кўздан кечириш кифоя. Ёмғир – шарқона тасаввурларга кўра – қут-барака, илоҳий неъмат, яхшилик ва эзгулик уруғи. Унга шоирлар ўз руҳоний ҳолатлари, кайфиятларига монанд маънолар юклашади. Яъни, ҳар бир шоир ўз эстетик принципларидан келиб чиқиб, ёмғир воситасида турфа хил бадиий-фалсафий мазмунни ифодалашга интилади. Кимдир ёмғирда ёрнинг кўз ёшларини кўради. Яна кимдир йиғлаётган кўнгилни тасаввур қилади. Бошқа бир шоир шеърида ёмғир булутларнинг, қоп-қора кўнғир осмоннинг ерга йўллаган тансиқ сўзлари бўлиб англашилади.

Рауф Парфи тасвирида ёмғир – қоп-қоронғи кеча шаклида. Кеча эса сув сингари жилдираб оқади. Шу боисдан ҳам кеча шод ва беармон кечаётир. Боиси – бағрида сувдек ҳаётбахш ойдинлик, эртанги куннинг ёруғ эпкинни бор.

Баргларда рақс этар шаббода,
Ўйнар сабо шаклида кеча,
Гуллар каби сақлайди одоб,
Афсоналар айтар тонггача.
Кеча тепасида учади,
Кипригимдан отилгувчи нур.
Менга кеча ёмғир ичида,
Гўзал хаёл каби кўринур! [9].

Лирик қаҳрамон кечинмалари қоронғу кечада ёғаётган ёмғирга эш. Ундан сурур, умид туяди. Шу маънода, унинг наздида, баргларда рақс этар шаббода. Ҳатто зимистон қоронғулик ҳам сабо шаклида ёқимли, фарахбахш. Гуллар сингари ҳимо тортиб, тонггача афсоналар айтаётгандек туюлади. Шу боисдан ҳам лирик қаҳрамон кўнглидан шуъла отилади, кипригидан нур чатнайди. Хаёл – адоқсиз бўшлиқ қаҳридаги рўё эмас. У ёмғир ичидаги зимистон қоронғулик. Унга ишонса бўлади. Гарчанд, қоронғулик оғушида эса-да, ёмғирдаги ойдин шаббода эпкинни эртага отажак тонглар умидини уйғотади.

Кўринадики, тимсолли, мажозий лиризм Рауф Парфи услубининг ўтли нафаси, ўзак мағзи, дейиш мумкин. Давр воқелигига, жамиятдаги сиёсий вазиятга, ҳодисаларга, инсон шаъни-эркинни, ҳақни оёқ ости этувчи, адолатсизлик кўринишларини юзага чиқарувчи ижтимоий зулмга қарши тугён Рауф Парфи шеърларида туйғулар реализми устивор дейишга асос беради. Рауф Парфи XX аср ўзбек поэзиясида фикр билан кечинманинг синтезини бадиий санъат даражасига кўтарган, соф туйғунинг табиий оқимини, қабарик мажозий ифодасини омухталаштирган бетакрор услуб яратди. Бу – XX аср ўрталаридан эътиборан XXI аср ўзбек шеърляти тараққиётида алоҳида йўналиш касб этди. Мустақил бадиий идрок ва ифода маданияти сифатида шаклланди.

XX асрнинг 60-йил охирлари, 70-йил бошларидан эътиборан ўзбек шеърлятига Рауф Парфи олиб кирган янги эпкин мустақил бадиий-эстетик йўналишга айланди. XXI аср ўзбек бадиий-эстетик тафаккурида ҳам Рауф Парфи Ўзтүрк тамал тошини қўйган тимсолли лиризм, мажозлар асосига қурилган идрок ва ифода маданияти устиворлик қилмоқда. Мана, ярим асрки, у ўз Сўзи билан ўзбек шеърляти ҳиссий тафаккур гулханининг тафтини оширяпти. Бўй-бастини юксалтираяпти. Кечинмали мушоҳадалари билан фикрчан ҳисларини кўнгил гулханида ёқаяпти. Не тонгки, ҳамма шоирларнинг ҳам юраги бу гулханда ёнавермайди. Бу, шундай бир оташгоҳки, барча шоирларни ҳам ўз бағрига олавермайди.

Рауф Парфи юраги – боқий шеърлят гулханида ёнаяпти («Юракда қайнаган сўзларим, ҳисларим ёнғини юракда»). Одамларнинг онгига нур, қалбига ҳарорат чўғларини қалаяпти, алангалаяпти.

Бу – шоирнинг ёруғ қисмати. Балки, пешонасига битилган ёзуқи – толеи шудир. Бу – ўзбек бадиий Сўз маданиятининг бахти. Чўлпон, Ҳамза, Элбек, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир, Зулфия, Асқад Мухтор ва ҳ.к. шоирлар силсиласида насиб этган, Тангри Таоло юқтирган ёруғлик шарофати. Зеро, Қодир Эгам назари, боқий назаркардалиқ ҳам беназир қисматдир.

Серқатлам маъноли метафоралар асосига қурилган шоир лирикаси янги шеърни юзага келтириши билан баробар яна янги шахслар авлодининг ҳам туғилиши ва шаклланишига замин яратди. Истибодда, хиёнатга, ёлғон ва зулмга қарши исёнкор лирикаси юракдан чак-чак томаётган қон зардобларини эслатади. Эрк, ҳақиқат, эзгулик ва гўзалликнинг таъми, ранги, чехраси умумбашарий. Дунёдаги барча эллар ва элатлар учун таниш, жондош ва қондош. Рауф Парфи шеърлятидаги Ишқ, Қуш, Дарахт, Нур тимсоллари эрка интилиб ёниб яшаётган шахс руҳоний ҳаётини акс эттирувчи янги рамзли маънодорлик касб этди.

Чўкмоқдаман сувларга,
Кўкларга учмоқдаман,
Ўпмоқдаман қуёшнинг оёғини [9].

Бу – лирик қаҳрамоннинг оний кайфиятини ифодалаётган ҳолат эмас. У – руҳнинг ҳайқирғи. Жамият иллатларидан юз бурган, чиркин муҳитдан бош олиб кетиб покиза ҳаволарга чўмган, оловга ошно тутинган ҳақ Сўз. У ёлғонга, хиёнатга, зулмга қасида тўқишдан кўра бокираликнинг, ёруғликнинг оёғини ўпишни маҳқул кўради. Ўзига муносиб билади. Маҳзун асноларида лирик қаҳрамон чакмоқ билан, момақалдироқ билан сўзлашишни хуш кўради. Боиси, чинакам шоир қуёшнинг оёғида, оловнинг кучоғида яшайди, деб билади. Шеър – ёруғлик билан олов фарзанди, дейди у. Ёнмаган дил бамисоли қўлмақ сув. Кул уюмлари орасида милтираган чўғдан алангалар ҳосил қилмаган

кимса, бамисоли тунда ялтираган шиллик курт. Нега сиз яшинни уйғотмадингиз, дейди у «Мен узок ухладим» учлигида. Яшинни яшириб кўйнимда, дунёни унутдим, ўзимга келдим, дейди «Севгили одамим...» учлигида. Куёш эриб кетди кўзимда, Ой йиқилди кўксимда эриб, дейди яна бир учлигида.

Рауф Парфи шеърлятида табиат унсурлари, моддий олам ўз хаёти, хаёллари билан яшайди. Хоҳ осмон кенгликларю юлдузларми, хоҳ булутлару офтоб нурларими – барчаси ўз қувончи, ташвиши, дарди-дунёси билан бетакрор қиёфасини намоён этади. Сирли олам синоатларини тушунишга кўмак беради. Табиат образлари кўзимизга сингиб кираркан, кўнглимиздан жой олади. Яна муҳими, табиат деталлари, ранглари, образлари жамиятни, инсонни тушунишимизга кўмаклашади.

Томчида офтоб акс этгани сингари Рауф Парфи шеърлари – бу шахс руҳониятининг намоён бўлиш ҳолатларини акс эттиради. Қайси сатрини ўқиманг, ундан шоирнинг нигоҳини туясиз, нафасини ҳис этасиз. Ўткир, синчков, олов кўзларини кўрасиз. Ҳар бир саҳифадан юриб келаётган, қўл чўзиб, «ассалому алайкум», дея сўрашаётган очик чеҳра шоирнинг ўзи билан танишасиз.

Шоирнинг илк шеърларидан бошлаб, Тонг, Ўлим, Офтоб, Нур, Дарахт, Қушча тимсоллари, Оқ ва Қора ранг образлари уйғоқ «мен»нинг, бетакрор шахснинг беҳаловат руҳиятига эш. Улардаги теран маъно кирралари қирғоқларга урилиб қайнаб чиқаётган, ўз ирмоғини очиб кетаётган булоқ мавжларини эслатади. Айтиш мумкинки, шоир ҳар бир шеърдан ўзини излайди. Жамият ва инсон сир-синоатларига, ҳукмрон мафкура кирдикорларига – ўйинларига муносабат билдираётган уйғоқ дилнинг тимсолларга айланган нолалари, дардлари кўзларини очди.

Бир замон фалакнинг кўзлари сўнди,
Аста қора кийди мудраган жаҳон.
Руҳимнинг асрлик музлари синди,
Нимадир бўғзимни кесди беомон [9].

Қора кийган фалак, қоронғу нигоҳ, қора лола... – лирик қаҳрамоннинг афтода ҳолатидан йиғлаяпти. Фалак чиркиллайди, дов-дарахтнинг кўзлари ёшли. Фаришталар чекади нола. Нима бўлди, кўзларининг нури синдими? Юрагининг тафти сўндими? Ҳисларининг товушлари ҳам қора кийдими? Ушалмаган орзулари бўғзидан узилган сўнгги нафас мисол етим. Таъбири ечилмаган тушлари ҳам кўланка сингари ўлган орзулари узра қанот қоқади. Аза тутайди. Гуллар яноғида шабнам эмас – қон. Майсалар кипригида титрайди оғу. Боғларда мевамас, унади захар. Недан ҳузур-ҳаловат туйсин? Чирмовик мисоли қадамга илашар илон. Тилининг учида новвот эмас, заққум томчилар.

Ана, қоп-қора кўланка осмонда эмас, қуюқ ўрмонлар оралаб эмас, енгидан чиқиб келди, бош кўтарди. У кимларнинг ва ниманинг совуқ нусхаси? Мунча вужудини чирмаб боради? Кўнгли тафтини, орзулар оловини суғуриб олмоқчимиз ночор танасидан?

Отилдим, номаълум, қоронғу нигоҳ,
Биров қулоғимга совуқ шивирлар.
Азиз бир товушни эсладим ногоҳ,
Рангин овоздир бу, гўзал ғимирлар. [9].

Кўланканинг кўл-оёғи бемажол... Кўзларю сўзлари ҳам, ўйлари-ю туйғулари ҳам муз қотган, тилсиз. Қора кўланка... мунчалар совуқ, мунчалар сурбет. Уят-андишани биладимиз бу? Яна, ювуқсиз, кир-чир энгил-боши билан оппоқ кўрпага ўраниб олди. Уйдан хайдаб чиқарай деса, кўланканинг боши йўқ, гап укмайди. Кўлларидан тортиб турғизай деса, дасти-тиргаги йўқ. Начора, ўзининг ҳолати ҳам кўл-оёғи тушовланган ой мисоли. Қимирлашга мадори йўқ. Ёрдам сўрай деса, тили кесилган.

Қоп-қора кўланка шунчалар қудратлими? Суянган тоғи қайда? Унга шунчалар қуч-қувват ато этган тирик ўликлар ўлкаси қани? Майитлар арвоҳи мисоли шамчироқлар теграсида айланади. Яна, липиллаган шуълалар билан бирга рақс ҳам тушади, қувлашмачоқ, бекинмачоқ ўйнайди. Ҳей, суллоҳ кўланка, энгил-бошимиз еб тугатдинг. Энди, сочларимиз битта-битталаб териб ейсанми? Қоч, нари кет! Ҳайдаган сари баттар ёпишади-я.

Кўланка оҳиста сидрилиб, лирик қаҳрамоннинг сочлари орасига кириб яширинди. Жунбушга келиб тўлғанаётган, қуяётган туйғулари кўкқисдан ёниб кетди. Буткул вужуди гулханга айланди. Энди кўзлари, кўл-оёқлари ёна бошлади. Ёнғинда сочлари чарс-чарс чатнарди. Ловуллаган сочлари ҳам учиб бориб тупроққа қадалади. Худди кўчатларга ўхшаб экилиб қоларди. Энди, тупроқ ёнишга тушди.

Кошкийди ана шу издиҳомда қора кўланка ёниб кул бўлса. Бадар йўқолса. Йўқ, энди у бир думалаб аланганинг кўланкасига айланиб олди. Энди ер юзини олов қоплади. Кўланка олов денгизда

кулоч отиб сузиб кетди. У ... тирик. У кимларнингдир, нималарнидир соясига айланиш учун сузиб, учиб бораётир...

Нақадар гўзалдир чиркин бу товуш,
Оҳанг вужудимни чирмади буткул.
Бўғилдим, инградим, титрадим, беҳуш,
Ожиз баданимга суйканди бир гул.
Надир бу? Кўлимда қора лоладир,
Ул кўздан ғойибдир, тирик ноладир. [9].

Ёвузлик, зулм-қабохат ўлим билмайди. Аксинча, йўқликка суяниб эзгулик ва ёруғликнинг кушандаси бўлиб қолаверади. Ёмонлик, ёвуз кучлар ёруғ орзу-умидларнинг ҳаётига зомин бўлаверади. Эркни, ҳур фикрларни бўғизлаб, қонини ичаверади. Дунё шевалари мунчалар чигал, турфа ва жумбоқли. Жаннат билан дўзах, кун билан тун, иссиқ билан совуқ, олов билан сув, эзгулик билан разолат, тириклик ила ўлим – бари инсоннинг икки дунёси учун. Не саодат ва не қабохатки, инсон ичида, яъни феълда шайтону кўнглида раҳмон яшайди. Ҳурлик ила қуллик ҳам инсоннинг бир бурда умрига синов. Бу дунёси – ёруғлигию, у дунёси – охирати учун ҳам синов. Инсон – икки дунё зийнати. Инсон қисмати бунчалик чигал? Ҳар бир одимида, ҳар нафасида фожеа йўлдош.

Рауф Парфи Ўзтурк шеърляти инсоннинг ана шу азалий ёзуқи ҳақида. Пешонасига битилган ёзуқнинг фожеавий руҳи тўғрисида. Бу – шоир шеърлятининг бадиий-эстетик асос қон томири.

Лирик қаҳрамон кўлида қора лола. Ёнган, куйган ва лекин, адо бўлмаган жола. У, энди, тирик нола; туғён ва исён. У, энди фикрларнинг уйини куйдиради. Кечинмаларнинг суяк-суяқларини бурдалаб ёқади. У лирик қаҳрамоннинг мутелик ҳолатига, қулликнинг уйига ўт кўяди. Бор-будини, ўзини ҳам ёндиради. Сўзлар ёнганда ана шу тахлит дунёга ўт кетади. Хўлу курук баравар куяди. Барру баҳрлар аланга ичида қолади. Бу – бадиий Сўзнинг қудратидан. Шоир истеъдодининг чакмоқларга, момақалдироқларга айланган сеҳрли қудратидан.

Рауф Парфининг шахс эрки, миллат хуррияти, Ватан истиклолига бағишланган, миллий руҳнинг бадиий ифодасига айланган шеърлари гўзаллик ҳодисаси бўлиб қолди. Шоир ҳаёт чоғидаёқ бадиий классикага айланди. Боиси, Рауф Парфи шеърляти янги туйғуларнинг, янгича онг ва фикрларнинг мукамал бадиий шакли-шамойилидир.

Сарбаст, хокку, танка, сонет, саккизлик, олтилик, тўртлик, фард ва ҳ.к. лирика жанрлари ва поэтик шакллардаги изланишлари истеъдоднинг зоҳирий кўринишларидир. Рауф Парфи яратган янги Сўзнинг мағзини, янги шеърнинг табиатини олам, жамият ва одамни янгича англаш, тушуниш ҳамда англантиш маданияти ташкил этади. Илмий ифода билан айтганда, бадиий уйғунликнинг янгича кўриниши юзага келди, демакдир.

Рауф Парфининг миллий маданиятимиз тараққиётидаги, бадиий тафаккур такомилдаги ўрни ва хизматлари яна шу нарса билан белгиланадики, у янги Сўзни, янги мазмунни қабул қиладиган, вужудига сингдирадиган ва ўзгаларга ҳам тушунтира биладиган китобхонлар зумрасини юзага келтирди. Тарбиялаб, камол топдириб бораяпти. Бунинг учун Шарқ, Ғарб ва Лотин Америкаси (япон, ҳинд, турк, араб, француз, немис, инглиз рус, озарбайжон, чили, италян ва ҳ.к.) бадиий анъаналарини ўрганиш, ўзлаштириш ҳамда ўзбек миллий маданиятига мувофиқлаштиришдек катта ва масхул вазифани адо этди. (Исикава Такубоку, Рабиндранат Тахакур, Нозим Ҳикмат, Жаброн Ҳалил, Пол Элюар, Сен-Жон Перси, Жак Превьер, Пол Валери, Рене Шар, Гийо Аполлинер, Байрон, Ҳуго, Пушкин, Блок, Квзимодо, Ҳусайн Жовид, Пабло Неруда ва ҳ.к.).

Рауф Парфи ижодий тажрибасининг ўзбек поэтик сўз маданиятидаги новаторлиги шундан иборатки, у бой бадиий анъаналардан воз кечмайди. Уларга таяниб, ўз сўқмоғини очишга, ўз йўлини белгилашга эришди. Мавжуд ҳижо тизимида асосланган туркий шеър маданиятини, таркибларини такомиллаштирди, бойитди, ривожлантирди [6].

Мумтоз шеър маданиятидаги, халқ оғзаки ижодидаги шеър тузилишининг пинакка кетган шакллари кўзларини уйкудан уйғотди. Кайтадан жон бағишлади, қанот берди. XX аср тонги адабий ҳаётига оқиб келган насрий шеърни киёмига етказди. Гўзал бадиият намуналарини яратди.

Ўзбек поэтик маданиятига верлибр шеър тузилишини олиб кирди, дейиш анча чекланганлик бўлурди. Эркин шеър тузилиши туркий шеър учун бегона эмаслигини, қадимий шеър маданиятимиз тарихида мавжуд бўлганлигини ижодий тажрибаси орқали тасдиқлади. Уларни XX аср ўзбек халқининг нафақат орзу армонлари, дарди-аламлари, шу билан баробар яна тафаккур маданияти, қалб зарблари,

Ўзбекона миллий руҳи билан бойитди. Сонет, хокку, танка ва ҳ.к. жаҳон шеърляти жанрларига, поэтик шаклларига миллий руҳ олиб кирди. Томирларига туркона ҳарорат, оловли сўз ва тафаккур нуруни қўшди.

Рауф ўзига хос оксиморон образлар тизимини яратди. Шеърлий сатрлар мусиқийлигини кучайтиришда хайратангиз изланишлар олиб боради. Сатрлар такрорида нафақат фикрий кўчимларни, яна ҳис-туйғулар тўлқинини, кечинмалар пўртанасини вужудга келтиради. Ушбу жараёнда эмоционал ҳолат ва кайфиятлардаги, руҳоний кечинмалардаги ҳислар оқими фавқуллода шеър мусиқийлигини ҳосил қилади. Бу – ёлғиз Рауф Парфи ижодий изланишлари учун хос бўлган бетакрор самарадир. Сатрлардаги ички қофияланиши, аллитерация – оҳангдош сўзлар билан бойитилиши шеърнинг эмоционал таъсир кучини оширади. Тафаккур тўлқинининг онг-шуурларда михланиб қолишини таъминлайди, асослайди.

Хулоса

Рауф Парфи эстетикасида ўзини таниш, ўзликни билиш – бу кўнгилга қайтишгина эмас. Яна, жамият сир-синоатларини, халқнинг дарди-аламларини чуқур туйиш ва тушунтириш ҳам демакдир. Янаям аниқроқ айтганда, бу – қайноқ воқеликка сингиб кетиш, халқ кўнглига қайтиш, миллат идеалини билиш демакдир. Шоирнинг таъкидлашига кўра, санъатнинг бош вазифаси – бу инсонни химоя қилиш, инсонни улуглаш, одамийликни, юксак маънавий-ахлоқий хислат-фазилатларни ардоқлаш, камол топтириш ва шу тариқа Аллоҳ жамолига восил бўлмоқдир. Рауф Парфи ана шундай санъат намуналарини ярата олган санъаткор сифатида ўзбек адабиёти тарихидан жой олган шоридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Cohen J. Structure du langage poetique. – Paris: Flammarion, 2006. -Pg. 245.
2. Cuddon J. A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. – London. Penguin Books. 1991. -Pg.124.
3. Sultonov I. Adabiyot nazariyasi. – Т., 2005. – 282 б.
4. Болтабоев Х. Адабиёт энциклопедияси. – Т., Мумтоз сўз. 2015. – 476 б.
5. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т., Гафур Ғулом номидаги НМИУ. 2016. -127 б.
6. Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т., Навоий университети. 2018. - 480 б.
7. Куронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Т., Akadernashr. 2010.-398 б.
8. Орзобеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т., Ўқитувчи. 1978. - 98 б.
9. Рауф Парфи. Сакина. (Сайланма). –Т., Мухаррир, 2013. – 376 б.
10. Хализев В. Е. Теория литературы. – М., «Высшая школа». 1999. - 318 с.

References:

1. Cohen J. Structure du langage poetique. – Paris: Flammarion, 2006. -Pg. 245.
2. Cuddon J. A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. – London. Penguin Books. 1991. -Pg.124.
3. Sultonov I. Adabiyot nazariyasi. – Т., 2005. – 282 b.
4. Boltaboev H. Adabiyot entsiklopediyasi. – Т., Mumtoz so'z. 2015. – 476 b.
5. Karimov B. Ruhiyat alifbosi. – Т., G'afur G'ulom nomidagi NMIU. 2016. -127 b.
6. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т., Navoiy universiteti. 2018. - 480 b.
7. Quronov D. va boshq. Adabiyotshunoslik lug'ati. – Т., Akadernashr. 2010.-398 b.
8. Orzibekov R. Lirikada kichik janrlar. – Т., O'qituvchi. 1978. - 98 b.
9. Rauf Parfi. Sakina. (Saylanma). –Т., Muharrir, 2013. – 376 b.
10. Xalizev V. E. Teoriya literaturi. – М., «Visshaya shkola». 1999. - 318 s.

Муаллифлар:

Раҳимжонов Нўмон Каримжонович - Гулистон давлат университети профессори, филология фанлари доктори.

Файзуллаева Обидахон Холбековна - Гулистон давлат университети, Ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент.